

“Йил имоми - 2023” танлови бошланди



10:04 / 05.12.2023 883

Бугун, 5 декабрь куни масжидларда фаолият юритаётган имом-домлалар ўртасида “Йил имоми - 2023” танловининг якуний босқичи бошланди.

Мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга киритган имом-домлалар беллашади.

Айни пайтда қизғин ва кўтарингки руҳда бошланган танловда иштирокчилар чиқишларини ҳакамлар ҳайъати томонидан адолат мезонлари асосида муносиб баҳолаб борилмоқда.

Танлов шартлари, тартиблари ва мукофотлари ҳақидаги маълумотларни ушбу [ҳавола](#) орқали танишиш мумкин.





